



## THE LEGAL BASIS OF THE WANTED LIST IN THE INVESTIGATION OF CRIMES

**Bolatboyev Odiljon Raximovich**

Chief Legal Consultant of the Legal Support Group in the Organizational Management Department of the Academy of the Ministry of Internal Affairs

<https://doi.org/10.5281/zenodo.13986126>

### ARTICLE INFO

Received: 16<sup>th</sup> October 2024

Accepted: 23<sup>th</sup> October 2024

Online: 24<sup>th</sup> October 2024

### KEYWORDS

*Crime, search, criminal punishment, bodies of inquiry and investigation.*

### ABSTRACT

*This article provides a legal analysis of the progress of the investigation, the organization of the search for persons hiding from the investigation and the court, evading criminal punishment. The author has developed proposals and recommendations for improving this area.*

## ПРАВОВЫЕ ОСНОВЫ ОБЪЯВЛЕНИЯ В РОЗЫСК ПРИ РАССЛЕДОВАНИИ ПРЕСТУПЛЕНИЙ

**Болатбоев Одилжон Рахимович**

Главный юрисконсульт группы юридического обеспечения Организационного управления Академии МВД

<https://doi.org/10.5281/zenodo.13986126>

### ARTICLE INFO

Received: 16<sup>th</sup> October 2024

Accepted: 23<sup>th</sup> October 2024

Online: 24<sup>th</sup> October 2024

### KEYWORDS

*Преступление, розыск, уголовное наказание, органы дознания и следствия.*

### ABSTRACT

*В данной статье дается правовой анализ хода расследования, организации розыска лиц, скрывающихся от органов следствия и суда, уклоняющихся от уголовного наказания. Автором разработаны предложения и рекомендации по совершенствованию данной сферы.*

## ЖИНОЯТЛАРНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШДА ҚИДИРУВ ЭЪЛОН ҚИЛИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

**Болатбоев Одилжон Рахимович**

ИИВ Академияси Ташкилий бошқарма Юридик таъминлаш гуруҳи бош юрисконсулти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.13986126>

### ARTICLE INFO

Received: 16<sup>th</sup> October 2024

Accepted: 23<sup>th</sup> October 2024

Online: 24<sup>th</sup> October 2024

### KEYWORDS

### ABSTRACT

*Ушбу мақолада суриштирув, тергов органларидан ва суддан яшириниб юрган, жиноий жазодан бўйин товлайтган шахсларни қидирувини ташкил*



*Жиноят, қидирув, жиноий жазо, суруштирув ва тергов органлари.*

*этишнинг ҳуқуқий жиҳатдан таҳлил қилинган. Муаллиф томонидан соҳани такомиллаштиришга оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.*

Жиноят қонунчилиги шахснинг ҳуқуқлари ва эркинликларини жиноий тажовузлардан ҳимоя қилишга қаратилган. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига мувофиқ суриштирувчи, терговчи ва прокурор жиноят ҳодисасини аниқлаш, жиноят содир этишда айбдор шахс ёки шахсларни фош этиш бўйича қонунчиликда назарда тутилган барча чораларни кўришади.

Жиноят-процессуал қонунчиликка мувофиқ дастлабки тергов органлари айбланувчининг турган жойини аниқлашга қаратилган барча зарур чораларни кўришга мажбурдирлар. Ўз навбатида ҳуқуқшунос олим А.П. Гуляев, турган жойи ноъмалум бўлган айбланувчини қидириш терговчининг муҳим қидирув функцияларидан бирилигини таъкидлаган<sup>1</sup>.

Ички ишлар органлари фаолиятининг устувор йўналишларидан бири бу суриштирув, тергов органларидан ва суддан яшириниб юрган, жиноий жазодан бўйин товлаётган шахсларни қидиришни амалга ошириш ҳисобланади. Бундан ташқари, айрим тоифадаги шахсларни қидириш жиноятчиликка қарши курашнинг мустақил йўналиши сифатида қаралади.

Бугунги кунда суриштирув, тергов органларидан ва суддан яшириниб юрган, жиноий жазодан бўйин товлаётган шахсларга нисбатан одил судловни амалга ошириш ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига сезиларли даражада қийинчилик тўғдирмоқда. Жумладан, 2024 йилнинг ўзида 11 мингдан ортиқ шахсга нисбатан қидирув эълон қилинган бўлиб уларнинг 37 фоизи тезкор тадбирлар натижасида ушланган. Бироқ қолган 63 фоиз шахслар ҳали суриштирув, тергов органларидан ва суддан яшириниб юрибди. Ушбу шахсларнинг аксарият қисми бошқа давлатга (Россия Федерацияси, Қозоғистон, Туркия) чиқиб кетган<sup>2</sup>.

Қидирув ишининг ҳуқуқий мазмуни амалдаги қонунчилик ҳужжатларида, шунингдек қонуности ҳужжатларида мавжуд бўлган нормалардан иборат.

Ўзбекистон Республкаси Конституциясининг 15-моддасига мувофиқ, халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принциплари ва нормалари ва Ўзбекистон Республкаси томонидан имзоланган халқаро шартномалар унинг ҳуқуқий тизимининг ажралмас қисмидир ва давлатда қўлланилиши керак<sup>3</sup>.

Бу шуни англатадики, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ўз вазифаларини бажаришда ва қидирув ишлари доирасида тезкор-қидирув тадбирларини (тезкор-қидирув тадбирлар) ўтказишда ушбу принциплар ва меъёрларга риоя қилишлари шарт.

<sup>1</sup> Гуляев А. П. Следователь в уголовном процессе / А. П. Гуляев. — М.: Юрид. лит., 1981. — 192 с.

<sup>2</sup> <https://stat.uz/ru/>

<sup>3</sup> [30.04.2023. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси](https://lex.uz/docs/6445147) // lex.uz/docs/6445147



Агар халқаро шартномаларнинг бажарилиши махсус ички қонунчилик ҳужжатларни талаб қилмаса, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ушбу шартномаларни ўз вазифаларини бажаришда бевосита қўллашлари мумкин.

Конституцияда қидирув ишларини олиб бориш бўйича тўғридан-тўғри кўрсатмалар мавжуд эмаслигига қарамай, унинг бир қатор нормалари фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини чеклайдиган тезкор-қидирув тадбирларни ўтказиш шартларини бевосита тартибга солади. Қидирув ишларини олиб борувчи ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ушбу меъёрларга риоя қилишлари ва тезкор-қидирув тадбирларни амалга оширишда уларни ҳисобга олишлари лозим.

Қидирув ишларининг айрим хусусиятларини очиб берадиган кейинги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Жиноят-протсессуал кодекси ҳисобланади. Айбланувчининг турган жойи номаълум бўлганда терговчи унинг турган жойини аниқлаш учун зарур бўлган барча чораларни кўриши, зарур ҳолларда эса, унга нисбатан қидирув эълон қилиши шартлиги ушбу Кодекснинг 365-моддаси 1-қисмида белгиланган<sup>4</sup>.

Дастлабки тергов жараёни тўхтатилгандан сўнг (364-модда) ва ҳатто давом этган тақдирда ҳам терговчи айбланувчи тўғрисидаги маълумотларни терговга қадар текширув органларига юборади, улар дастлабки терговдан яширинган шахсни махсус қарор асосида қидиришни бошлайдилар. Ўз навбатида, «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги Қонуннинг 16-моддаси нормалари асосида ички ишлар органларига қидирув ўтказиш мажбуриятини юклаш амалга оширилади<sup>5</sup>.

Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрда қабул қилинган «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги Қонуни қидирув ишларини ташкил этишнинг ҳуқуқий масалаларини тартибга солувчи асосий қонунчилик ҳужжатларидан биридир<sup>6</sup>. Ушбу Қонунда нафақат тезкор-қидирув фаолиятининг асосий вазифалари, балки қидирув вазифалари, шу жумладан «суриштирув, тергов ва суд органидан яширинган, жинойий жазодан қочган шахсларни қидириш, шунингдек бедарак йўқолган шахсларни қидириш» тартибга солинади.

Қидирув вазифаси жиноят фош этилгандан кейин амалга ошириладиган тезкор-қидирув фаолиятининг кейинги босқичи ҳам, жиноятни очиш фаолиятининг ажралмас қисми ҳам бўлиши мумкин.

Қидирув ишлари билан боғлиқ процедуралар ва қоидалар, шу жумладан тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларнинг мажбуриятлари «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги Қонунининг 13-моддасида белгиланган.

Қидирув ишларини олиб бориш суриштирув, тергов ва суд органларидан яширинган ёки жинойий таъқибдан қочган шахсларнинг жойлашган жойини қидиришни, шунингдек бедарак йўқолган шахсларни қидиришни ўз ичига олади. Қидирувнинг мақсади ушбу шахсларни кейинчалик уларга нисбатан қонуний чораларни, шу жумладан фуқаролик-ҳуқуқий чораларни ёки қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа чораларни қўллаш учун аниқлашдир.

<sup>4</sup> [22.09.1994](https://lex.uz/mact/3027843) Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-протсессуал кодекси

<sup>5</sup> <https://lex.uz/mact/3027843>

<sup>6</sup> <https://lex.uz/docs/2107763>



Қидирув вазифаси жиноят содир этган шахсларни аниқлашдан фарқ қилади. Ушбу шахсларни қидириш аллақачон маълум бўлган жиноятлар фактлари асосида ва тезкор, тергов бўлинмаларига маълум бўлган аниқ шахсларга нисбатан амалга оширилади. Тезкор-қидирув фаолияти қидирув мақсадларига эришишга ёрдам берадиган қидирув ишларининг ажралмас қисми бўлиб хизмат қилади.

Муваффақиятли қидирув ишлари учун тезкор-қидирув тадбирларидан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга – уларнинг рўйхати «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги Қонунининг 14-моддасида белгиланган<sup>7</sup>.

Бугунги кунда қидирув ишлари ташкил этишда бир қатор муаммолар амалиёт ходимларини қийнамоқда. Жумладан, амалдаги қонунчиликда «Қамоқ» эҳтиёт чораси билан боғлиқ бўлмаган қидирувдаги шахслар аниқланган тақдирда, уларни ушлаб туриш тартиби белгиланмаганлиги сабабли қидирувдаги шахсларни ташаббускорга топширилишига қадар процессуал қонунчилик талаблари бузилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 221-моддасида жиноятни содир этишда гумон қилинган шахслар қўйидаги асослар мавжуд бўлган тақдирда ушлаб турилиши мумкинлиги кўрсатилган:

- 1) шахс жиноят устида ёки бевосита уни содир этганидан кейин қўлга тушса;
- 2) жиноят шохидлари, шу жумладан жабрланувчилар уни жиноят содир этган шахс тариқасида тўғридан-тўғри кўрсатсалар;
- 3) унинг ўзида ёки кийимида, ёнида ёки уйида содир этилган жиноятнинг яққол излари топилса;
- 4) шахсни жиноят содир этишда гумон қилиш учун асос бўладиган маълумотлар мавжуд бўлиб, у қочмоқчи бўлса ёки доимий яшайдиган жойи йўқ ёхуд шахси аниқланмаган бўлса.

Юқорида келтирилган муаммони бартараф этиш мақсадида ЖПКнинг 221-моддаси 4-бандини қўйидаги таҳрирда баён этиш таклиф этилади:

*«4) шахсни жиноят содир этишда гумон қилиш учун асос бўладиган маълумотлар мавжуд бўлиб, у қочмоқчи бўлса ёки доимий яшайдиган жойи йўқ ёхуд шахси аниқланмаган бўлса ёки қидирув эълон қилинган бўлса».*

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, қидирув ишлари тезкор-қидирув фаолиятининг мустақил йўналиши бўлиб халқаро ҳуқуқ нормалари, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига асосланади, ваколатли органлар томонидан яқин ҳамкорликда амалга ошириладиган ташкилий, процессуал, тезкор-қидирув ва бошқа махсус чора-тадбирлар тизими ҳисобланади.

## References:

1. Гуляев А. П. Следователь в уголовном процессе / А. П. Гуляев. — М.: Юрид. лит., 1981. — 192 с.
2. <https://stat.uz/ru/>
3. 30.04.2023. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // [lex.uz/docs/6445147](http://lex.uz/docs/6445147)
4. 22.09.1994 Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси

<sup>7</sup> <https://lex.uz/docs/2107763>



5. Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонуни <https://lex.uz/mact/3027843>
6. Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонуни, 25.12.2012 йилдаги ЎРҚ-344-сон <https://lex.uz/docs/2107763>.